



ҚАРОР

« 10 » февраль

№ 37-К

Ташкилот, муассаса ва корхона-ларни самарасиз фойдаланаётган ер майдонларини хужаликларга кайтариб бериш тугрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига асосан ташкилот, муассаса ва корхоналарга кишлок хужалигида фойдаланиш учун ажратилган ер майдонларидан самарасиз фойдаланаётганликлари хақида туманлар хокимлари қабул қилган қарорларини куриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Оқдарё тумани хокимининг 2002 йил 2 декабрдаги 410-К рақамли «Самарқанд кишлок хужалик олийгоҳига ажратилган 7,0 гектар ер майдонларини кайтариб олиш ва Р.Хамроев номли ширкат хужалигига бериш тугрисида»ги, Нарпай тумани хокимининг 2002 йил 11 декабрдаги 868-К рақамли «Октошдон» акционерлик жамияти ёрдамчи хужалигининг 46 га ерини «Олтин булок» ширкат хужалиги ихтиёрига кайтариб бериш хақида»ги қарорлари тасдиқлансин.

2. Вилоят Ер ресурслари бошқармаси (Н. Бакиров) га хужаликларнинг ер тугрисидаги ҳисоботларига узгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят хокимининг биринчи уринбосари П.Усаров зиммасига юклансин.

Вилоят хокими



Ш. Мирзиёев